2012 ЙИЛ 28 МАРТ, ЧОРШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 62 (12.123)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Жисмоний тарбия ва спорт юртимизнинг ҳар қайси шаҳар ва қишлоғида, ҳар бир хонадонга кириб боришига эришиш, шу асосда ҳаётимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш бизнинг олижаноб орзу-интилишларимизнинг узвий бир қисмига айланиши зарур.

Ислом КАРИМОВ

Болалар спорти

СОҒЛОМ АВЛОД – МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ

Мамлакатимизда мустақилликнинг илк дамлариданоқ аҳоли саломатлиги ва ёшларни спортга жалб этишга алоҳида эътибор қаратила бошлади. Болар-ўсмирлар спорт мактаблари, спорт мажмуаларини бунёд этиш, мактабларда, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида замонавий спорт заллари қуриш ишлари устувор вазифалар қаторига киритилди.

Ҳатто, энг чекка ҳудудларда ҳам замонавий спорт мажмуалари қад ростлай бошлади. Юртбошимизнинг: *«Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт»*, – деган сўзлари ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олди.

Шу тариқа мактаблардан тортиб то олий ўқув юртлари талабаларини ўзига қамраб олган, фақат Ўзбекистонгагина хос бўлган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» каби уч босқичдан иборат спорт ўйинлари ҳаётга татбиқ этилдики, бу ёш авлоднинг соғлом турмуш тарзига риоя қилиши, жисмонан соғлом ва руҳан тетик инсонлар бўлиб етишишини таъминлаш борасида ўзининг тотли меваларини бера бошлади.

Айниқса, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси – жаҳон мамлакатларида ўхшаши йўқ тузилманинг ташкил этилиши нур устига аъло нур бўлди. Унинг мазмун-моҳиятига назар ташлайдиган бўлсак, бу соҳа давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканини тушуниб етамиз.

Аввало, болаларда жуда кичиклигидан жисмоний тарбия ва спортга муҳаббат уйғотиш ва унга ошно қилишнинг миллат ва мамлакат учун қанчалик фойдали эканлигини бир ўйлаб кўрайлик. Халқи соғлом мамлакатнинг, албатта, келажаги нурафшон бўлиши шубҳасиз.

Ҳақиқат таққослаш орқали ойдинлашади, деганларидек, келинг, илгарилари болаларнинг спорт билан шуғулланишлари учун қандай шарт-шароитлар мавжуд эди-ю, бугунги кунга келиб қандай ўзгаришлар рўй берганини мушоҳада қилиш учун саксон ёшни қоралаган икки отахоннинг сўзларига қулоқ тутайлик.

– Юртбошимизнинг Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида: «Болаларни 3-5 ёшдан спортга жалб этиш катта аҳамиятга эга, чунки айни шу даврда ҳар бир боланинг характери шакллана бошлайди, ҳаётга теран кўз билан қарашга ўрганади. Спортга меҳр қўйган бола бир умр спортга ошно бўлиб қолади. Спорт боланинг нафақат саломатлигини мустаҳкамлайди, балки зарарли иллатлардан уни ҳимоялайди, характерини тоблайди», – дея билдирган фикрлари айни ҳақиқат, уни қўллаб-қувватлайман. Сабаби – кўпчилик ота-оналар: *«Болам катта бўлса, мактабда жисмоний тарбия дарсларида ўргатишади, ҳозирча яхши боқишим керак, тўйиб ухлаши керак, дўмбоққина бўлса, яхши»*, – дея эркалашади, натижада эса бола касалманд, дангаса бўлиб ўсади, – дейди Шайхонтоҳур туманидаги Олим Хўжаев номли маҳалла фуқаролар йиғинида 28 йил давомида раислик қилган отахон Абдурашид Нажмиддинов.

(Давоми 3-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 мартда қабул қилинган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ жорий қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирларига оид қарорининг бажарилишини таъминлашга бағишланган навбатдан ташқари йиғилиши бўлиб ўтди.

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

Мажлисда ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти, асосий вазифалари ва мақсадлари давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий ҳокимлик органлари раҳбарлари, мажлис қатнашчиларига кенг ва атрофлича тушунтириб берилди.

Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантиришнинг учинчи босқичи ҳисобланаётган ахборот тизимларини жорий этиш билан биргаликда, улардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга оид вазифаларнинг ижроси бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Ушбу вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажариш бўйича аниқ топшириқлар ва муддатлар белгиланди, Ўзбекистон Республикасида 2012-2014 йилларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенг жорий этиш ва ривожлантириш бўйича дастурнинг ижросини таъминлаш юзасидан режа-жадвали тасдиқланди.

Шунингдек, давлат органларида ахборот тизимларини жорий қилиш ва интернет тармоғидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш механизми ва мезонларини ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби тасдиқланиб, унинг асосий вазифалари белгиланди.

Қарорда жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган топшириқлардан келиб чиққан ҳолда Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2012 йил иш режасига тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.

Мажлисда айрим вазирлик ва идораларнинг ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилишни янада ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режаси кўриб чиқилди.

Шунингдек, дастурий маҳсулотларнинг миллий ишлаб чиқарувчиларини ҳамда давлат органларининг АКТ соҳасидаги юксак малакали мутахассисларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришни янада ривожлантириш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди ҳамда мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарларига тегишли кўрсатмалар берилди.

Кўрилган масалалар бўйича мутасадди вазирлик ва идораларнинг фикр мулоҳазалари тингланди ҳамда қўйилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш юзасидан Мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳамда соҳа мутахассислари томонидан таклифлар берилди. Йиғилиш натижалари юзасидан Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг тегишли қарори қабул қилинди.

(ЎзА)

ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕРМАНИЯ ИЛМ-ФАНИ КУНИ

Тошкентда Ўзбекистонда Германия илм-фани куни мавзуида семинар бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Германия таълим ва илмий тадқиқотлар федерал вазирлиги ҳамда мазкур давлатнинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда икки мамлакатнинг тегишли вазирлик ва идоралари, илмий тадқиқот институтлари ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, экспертлар, олим ва мутахассислар иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси раиси Ш.Солиҳов Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги ўзаро алоқалар барча соҳаларда, жумладан, илм-фан йўналишида ҳам изчил ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда илм-фан тараққиётини жадаллаштириш, таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, илғор технологияларни ўзлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги ишлар самарасини янада юксалтиришда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон ва Германия олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари ўртасида фаол алоқалар йўлга қўйилган. Улар доирасида саноат, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, табиий заҳиралардан оқилона фойдаланишнинг замонавий йўналишларида биргаликда тадқиқотлар олиб борилмоқда.

– Биз Ўзбекистон билан илм-фан йўналишида узоқ йиллардан буён самарали ҳамкорлик қилиб келамиз, – деди Германия таълим ва илмий тадқиқотлар федерал вазирлиги департаменти директори Михаэл Шлихт. – Мазкур анжуманда Германиянинг нуфузли илмий-тадқиқот институтлари, етакчи олий ўқув муассасалари вакиллари, олимлар иштирок этаётгани ҳам бу йўналишдаги ҳамкорлигимиз изчил мустаҳкамланиб бораётганидан далолатдир. Ўзбекистонлик олимлар ва бу ердаги олий ўқув юртлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада тараққий эттириш ниятидамиз. Ўзбекистон раҳбарияти томонидан мамлакатингиз таълим тизимини модернизация қилиш ва ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётир.

Тадбирда Ўзбекистон ва Германия илмий муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, икки мамлакат олимлари ўртасидаги амалий мулоқотни фаоллаштириш, ўзаро тажриба ва ахборот алмашувини янада такомиллаштириш, биргаликда истиқболли қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан фикр алмашилди.

Ирода УМАРОВА,
ЎзА мухбири

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан Миллий матбуот марказида «Меҳнаткашларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда саломатликларини мустаҳкамлаш йўлида олиб борилаётган ишлар тўғрисида» мавзусида матбуот конференцияси ўтказилди.

✓ **БУГУН** Маънавият тарғибот маркази Олмазор туман бўлими томонидан Юртбошимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китоби асосида «Маънавиятга тахдид ўзлигимиз ва келажагимизга тахдид» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

✓ **ЭРТАГА** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида «Камолот» ЁИҲ билан ҳамкорликда «Ёшлар куйлаганда» номли адабий кеча ва концерт дастури бўлиб ўтади.

✓ **КЕЧА** Пойтахт бизнес марказида «Мустаҳкам оила — жамият таянчи» шиори остида спортнинг шахмат тури бўйича ўтказиб келинаётган мусобақаларнинг шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Кеча Тошкентда «Uzbekistan Industrial Forum — 2012» III Халқаро саноат форуми иш бошлади. Ўз доирасида саноатимизнинг етакчи тармоқларига ихтисослаштирилган бешта кўргазмани қамраб олгани тадбир нуфузини янада оширди.

● Тошкентдаги миллий санъат марказида «Bazar-Art. Баҳор — 2012» кўргазма-ярмаркаси иш бошлади. Мазкур анъанавий тадбир «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда рассомлар, санъатшунослар ва халқ усталарининг «IJOD» уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

● Термиз шаҳридаги Хотира майдонида Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округга қарашли Термиз гарнизонининг ёш аскарлари қасамёд қабул қилди. Тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ота-оналар иштирок этди.

● Қашқадарё вилоятининг Нишон туманида чигит экишни уюшқоқлик билан ўтказиш ҳамда ғалла парваришидаги долзарб вазифаларга бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди. Тадбирда аграр секторга оид ташкилотлар раҳбарлари, Муборак, Касби, Косон, Миришкор, Қарши туманлари ҳокимлари ҳамда ушбу туманлардаги тегишли корхона ва идоралар мутасаддилари, фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирок этди.

● Наманган шаҳрида теннис бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида ўтказилаётган Халқаро теннис федерацияси (ITF) мусобақалари тақвимига кирувчи анъанавий халқаро турнир қизғин давом этмоқда. Унда мамлакатимизнинг иқтидорли ёш теннисчилари билан бирга Россия, Буюк Британия, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Руминия, Беларусь, Грузия, Болгария, Молдова, Латвия, Литва, Украина, Кипр, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистондан келган спортчилар ғолиблик учун куч синашмоқда.

ЖАҲОНДА

● Сенегалда бўлиб ўтган президент сайловларида ғолиб чиққан мухолифатчилар етакчиси М. Саль 65,80 фоиз овоз тўплашга муваффақ бўлди.

● Мали муваққат ҳукумати мамлакат конституциясини қабул қилди.

● Кеча Лондон хомашё биржасида бўлиб ўтган навбатдаги савдолар чоғида Brent русумли нефтнинг нархи 0,11 центга пасайган бўлса, Нью-Йоркда ўтказилган савдоларда WTI русумли нефтнинг нархи 0,30 центга кўтарилгани қайд этилди.

● Забайкальеда бошланган ўрмон ёнғинларининг майдони ўтган бир кун ичида 10 баробарга ошди.

● Чили пойтахти Сантьягода «ФИДАЕ-2012» халқаро фазовий кўргазмаси очилди. Унда дунёнинг қирқ мамлакатидан беш юзга яқин фирма ва компания ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан иштирок этмоқда. Кўргазмада ҳарбий ва фазовий техника, замонавий технологиялар, турли хилдаги янги ҳаво транспорти, соҳага оид махсус мажмуалар лойиҳалари намойиш этилмоқда.

● Кеча Кот д`Ивуарда иккита автобуснинг ўзаро тўқнашиб кетиши натижасида 36 киши ҳаётдан кўз юмди.

● АҚШ мутахассислари дунё океанлари ҳудудининг қирқ фоиздан зиёди инсоннинг хўжалик фаолияти оқибатида зарар кўрганини таъкидлашмоқда. Тадқиқотлар натижасида уларнинг атиги тўрт фоизида табиий муҳит ўз ҳолича сақлаб қолингани аниқланди. Маълумотларга қараганда, Шимолий Атлантика ҳудудига, Тинч океанининг ғарбий қисмига, Кариб, Ўрта ер, Жанубий ва Шарқий Хитой, Қизил ва Беринг денгизларига ҳамда Форс қўлтиғига энг катта зиён етган.

TRASTBANK
ИШОНЧ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Бугунги кунда мамлакатимиз тижорат банкларининг асосий мақсадларидан бири кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг изчил тараққиёти учун моддий негизни мустаҳкамлаш, шунингдек, тўлов тизимининг узлуксиз ва самарали амалга оширилишини таъминлашдан иборат.

«ТРАСТБАНК»:
РИВОЖЛАНИШ ВА ТАКОМИЛЛАШИШ ЙЎЛИДА

Хусусан, «Трастбанк» хусусий очиқ акциядорлик биржа банки айтиб ўтилган мазкур устувор вазифаларни амалга ошириш йўлида фаолият кўрсатиб, ўтган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури доирасида банк томонидан соҳа субъектларига ажратилган кредитлар ва лизинг хизматлари ҳажми 2010 йилга нисбатан 1,5 баробар ўсиб 82,8 млрд. сўмни ташкил этди. Жами кредитларнинг 45,0 млрд. сўми саноат тармоғини молиялаштиришга йўналтирилди. Шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи корхоналар учун кредитлар салмоқли бўлди, уларга йил давомида жами 14,6 млрд. сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

Кичик бизнес корхоналарига савдо тармоғини ривожлантириш учун берилган кредитлар 21,2 млрд. сўмдан ошди. Банк ўз маблағлари ҳисобидан 11,7 млрд. сўмни хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун йўналтирди.

Банкнинг омилкор тадбиркорларимизнинг бизнес-режаларини молиялаштиришга қўшган ҳиссаси орқали жами умумий кредитлар бўйича 222 га яқин янги иш ўринлари ташкил этилди. Шулардан 195 иш ўрни кичик бизнес корхоналарига тўғри келади.

Мамлакатимизда жорий йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилиниши муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, ёш оилаларни моддий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлашга «Трастбанк» жамоаси ўз фаолиятида катта эътибор қаратмоқда. Мавжуд кредит турларини муттасил такомиллаштириш билан бир пайтда жисмоний шахслар эҳтиёжидан келиб чиқиб янги кредит йўналишларини жорий этишни ҳам назаридан четда қолдирмаётир. Бугунги кунда банк жумладан, ёшларга шахсий ёки бир турдаги лойиҳага кўра уй-жой қурилиши, турар жойларини таъмирлаб олишлари ёки кўп хонадонли уйлардан квартира сотиб олиш учун ипотека кредитларини; таълим битимлари асосида бир марталик тўловлар учун, сайёҳлик йўлланмалари учун махсус кредитларни тавсия этмоқда. Банк мутахассислари мижозларнинг шахсий талаблари ва қарз олиш имкониятларидан келиб чиқиб уларга кредит тури ва шаклини танлашда яқиндан ёрдам бермоқдалар. Мижозлардан қийинчилик туғдирмайдиган, қулай ҳужжатлар мажмуаси талаб этилиб, аризаларни қисқа муддатда кўриб чиқиш ва қарз тўлашнинг қулай жадвалини тавсия қилмоқдалар. Жумладан, жорий йилнинг биринчи мартидан банкда «Мустаҳкам оила» номли муддатли янги омонат тури жорий этилди.

Шу билан бирга, ёш оилаларнинг турмуш фаровонлигини ошириш бўйича ҳам аниқ чора-тадбирлар кўрилмоқда. Банкда «Ёш оилаларга – истеъмол кредитлари» дастури ишлаб чиқилмоқда, унга мувофиқ ёш оилаларга энг кам иш ҳақининг 200 баравари миқдорида 3 йил муддатга узоқ муддат фойдаланиладиган, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган истеъмол товарлари учун кредитлар ажратилади.

«Трастбанк» кейинги йилларда чакана бизнесни ривожлантириш бўйича амалий саъй-ҳаракатларни жадаллаштириш орқали аҳолининг банкка бўлган қизиқиши ва ишончини янада оширишни мақсад қилган. Бу борада «2012-2013 йилларга мўлжалланган банкнинг чакана бизнес стратегияси» номли махсус дастур ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилаётганини эътироф этиш жоиз.

Ана шу мақсадларда «Трастбанк» ХОАББнинг ҳудудий таркиб тармоқларини кенгайтириш йўлида фаол ва бардавом эканини англаш мумкин. Бугунги кунда банкнинг пойтахтимизда учта филиали ва республикамизнинг Наманган, Андижон ва Термиз шаҳарларидаги учта филиали ҳамда улар тасарруфидаги 20 та мини-банк фаолият юритяпти. 2012 йилда банк асосан чекка ҳудудларда, ҳатто туман марказларидан йироқларда ҳам кичик сармоялар улкан самара бериши учун янги филиаллар, мини-банклар ташкил қилиш, уларда мижозлар ва ходимларнинг биргаликда ишлаши учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасида иш юритмоқда.

Шу билан бирга, банк «Мустаҳкам оила йили»да мини-банклари тармоғини янада кенгайтиришга эътибор бериш билан бир қаторда уларда мижозларига қўшимча энг замонавий, қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида мавжуд ички имкониятлардан тўлиқ фойдаланишга ҳаракат қиляпти. Бинобарин, «Трастбанк» таркибидаги мини-банкларни жисмоний шахсларга чакана хизмат кўрсатишнинг универсал марказлари деб атасак адашмаймиз. Бу масканларда мижозлар «Вестерн Юнион», «Контакт», «Быстрая почта», «Мигом», «Маниграм», «Азия-экспресс», «Юнистрим», «Золотая корона» пул ўтказиш тизимлари хизматидан бемалол фойдаланишлари, миллий ва хорижий валютада шахсий пластик карточкаларнинг эгалари бўлишлари мумкин. Бундан ташқари, банкда нақд пулдаги каби пластик карточкалар воситасида ҳам коммунал хизматларида, уяли алоқа, интернет хизматлари учун тўловларни амалга ошириш пухта изга тушиб кетган. Энг муҳими, мижозлар тилга олинган ана шу замонавий русумдаги барча хизматлардан бир ернинг ўзида бирйўла бахраманд бўлмоқда. Аҳолига кўрсатилаётган молиявий сервис хизматининг бундай ҳозиржавоб, қулай ва айни вақтда истиқболи порлоқ шакли эканини инобатга олган ҳолда «Трастбанк» пойтахтимиз ва мамлакатимизнинг йирик шаҳарлари аҳолиси учун ўз-ўзига хизмат қилиш терминаллари тизимини жорий қилган. Хусусан, банк бундан кейин мазкур қурилмалар ўрнатиладиган сарҳадларни янада кенгайтиради ва улар ижтимоий инфраструктуранинг оммавий объектлари — умумий овқатланиш масканлари, бозорлар, супермаркетлар ва савдо марказларини тўлиқ қамраб олишни мақсад қилиб олган. Шу йўсинда, пойтахтимиз ва мамлакатимиз аҳолиси ўз кундалик ишларидан чалғимай яратилган имтиёздан бахраманд бўлиб банк кўрсатаётган барча хизмат турларидан фойдаланиш имкониятига эгадир. Ўз навбатида «Трастбанк» пластик карточкалар йўналишини ривожлантириш учун аниқ тадбирлар белгилаган. Масалан, 2012 йилнинг 1 март ҳолатига кўра банк муомалага чиқарган пластик карточкалар сони 49 мингга етди. Банк томонидан жойларга ўрнатилган терминаллар сони эса 1056 тага етди ва ушбу кўрсаткич мунтазам ортиб бормоқда.

> ***«Трастбанк» хусусий очиқ акциядорлик биржа банки — мамлакатимизнинг барқарор ва жадал ривожланаётган банкларидан бири. Ўтган йилда банк капитали 32,2 фоиз, активлари 20 фоиз, кредит портфели эса 52,7 фоиз, умумий депозитлар ҳажми 28,1 фоиз ўсди.***

> ***2012 йил 1 январь ҳолатига келиб, банк томонидан жисмоний шахслардан ҳам миллий, ҳам хорижий валютадаги депозитларга жалб қилинган омонатлар ҳажми 2011 йил бошига нисбатан 52 фоизга ўсди.***

Жисмоний шахслар «Трастбанк»нинг Тошкент, Андижон, Наманган ва Термиз шаҳарларида фаолият олиб бораётган филиалларида ва исталган мини-банкларида ўз омонатларини жойлаштиришлари мумкин. Банк омонатлари суммасига чеклов қўйилмаган ва у мижозларнинг банкдаги жамғармаларининг қайтарилиши қонун билан тўлиқ кафолатланган. 2012 йил 1 январь ҳолатига келиб, банк томонидан жисмоний шахслардан ҳам миллий, ҳам хорижий валютадаги депозитларга жалб қилинган омонатлар ҳажми 2011 йил бошига нисбатан 52 фоизга ўсди. Натижада банкнинг Амалиёт бошқармаси 2011 йил якунларига кўра аҳоли бўш пул маблағларини банклардаги омонатларга жалб қилиш бўйича республика танловининг «Шаҳарларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши филиали» номинациясида учинчи ўринни қўлга киритди.

2012 йил 1 март ҳолатига кўра «Трастбанк»да жисмоний шахслар томонидан қўйилган жамғармалар ҳажми 25,5 млрд. сўмдан ошиб кетди, бу ўз навбатида аҳолининг банк тизимига ва хусусан, банкимизга бўлган ишончи янада ортиб бораётганининг ёрқин далили бўлмоқда.

Мамнуният билан қайд этиб ўтиш лозимки, февраль ойида «Fitch Ratings» халқаро рейтинг агентлиги «Трастбанк» фаолияти рейтинг баҳосини «В»-даражада эътироф этди, истиқболини «барқарор» деб қайта тасдиқлади. Банкка халқаро агентлик томонидан рейтинг баҳоси берилиши, авваламбор, унинг ликвидлик ўрни барқарор эканига далил бўлди. Банкнинг мамлакатимиз иқтисодиётини ислоҳ этишдаги иштирокининг тобора ортиб бораётганини ифодалади. Шунингдек, халқаро рейтинг агентлиги баҳосига яна бир бор мушарраф бўлиш: «Трастбанк» ХОАББ учун хорижий инвестицияларни жалб этишга, халқаро молия институтлари билан истиқболли ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга янгидан-янги имкониятлар яратди.

Эндиликда банк мамлакатимиз бўйлаб ўз фаолият доирасини кенгайтириш ва аҳолига авваламбор ҳудудларда хизмат кўрсатишни ташкил қилиш йўлида филиаллар тармоғини кўпайтиришни режалаштирган. Жумладан, яқин истиқболда Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида банкнинг янги филиаллари ташкил этилади.

Банк янги мижозларни жалб қилиш борасида ҳар бир жисмоний шахсга индивидуал тартибда, унинг талаб ва истакларини инобатга олган ҳолда сифатли хизмат кўрсатишни мақсад қилган. Шунингдек, жисмоний шахсларга истеъмол кредитлари бериш тартибини янада соддалаштириш, улар учун «Интернет-банкинг» сингари масофавий банк хизматларини такомиллаштириш банк фаолиятида устувор вазифалардан бири бўлиб қолади.

Банк Ахборот хизмати

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ МИНТАҚАВИЙ АКСИЛТЕРРОР ТУЗИЛМАСИ КЕНГАШИНИНГ ЙИГИРМАНЧИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Тошкент шаҳрида 2012 йил 27 март куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (ШҲТ МАТТ) Кенгашининг навбатдаги йигирманчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қозоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси вакиллари иштирок этди.

Мажлисда ШҲТ ҳудудида террористик, сепаратистик ва экстремистик характерга эга янги хавф-хатарлар пайдо бўлиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда ШҲТга аъзо давлатлар ваколатли органларининг ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш соҳасида ШҲТга аъзо давлатлар ваколатли органлари чегара хизматлари вакилларидан иборат экспертлар гуруҳини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

ШҲТга аъзо давлатлар ваколатли органларининг террористик, сепаратистик ва экстремистик фаолиятни наркотиклар, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорларининг ноқонуний савдоси ҳисобидан молиялаштириш каналларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш масалалари бўйича қўшма чора-тадбирлари режаси тасдиқланди.

Йирик халқаро тадбирларни ўтказишда хавфсизликни таъминлаш борасида ҳамкорликдаги чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича мавжуд тажриба асосида ШҲТга аъзо давлатлар ҳудудида ўтказиладиган йирик халқаро тадбирлар пайтида хавфсизликни таъминлаш бўйича ШҲТга аъзо давлатлар ваколатли органлари ҳамкорлигини мувофиқлаштирувчи доимий фаолият кўрсатувчи механизм ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Ахборот хавфсизлиги соҳасидаги ҳамкорликни мувофиқлаштириш масалалари кўриб чиқилди ва ШҲТга аъзо давлатлар ваколатли органларининг компьютер тизимларидан террористик, сепаратистик ва экстремистик мақсадларда фойдаланиш ёки фойдаланиш хавфининг олдини олиш ҳамда унинг йўлига тўсиқ қўйиш борасидаги қўшма чора-тадбирлари юзасидан келишиб олинди.

Мажлисда ШҲТ МАТТ Кенгашининг ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгашига ШҲТ МАТТнинг 2011 йилдаги фаолияти тўғрисидаги маърузаси лойиҳаси маъқулланди, ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитаси директори Ж.М.Жуманбековнинг ШҲТга аъзо давлатларнинг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш бўйича 2010-2012 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, шунингдек, ШҲТ МАТТ Кенгаши қарорлари амалга оширилишининг бориши тўғрисидаги ахбороти тингланди. ШҲТга аъзо давлатларнинг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш бўйича 2013-2015 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури лойиҳаси маъқулланди.

ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитасининг 2011 йилдаги фаолияти ижобий баҳоланди.

ШҲТ МАТТ Кенгаши томонидан 2013 йил 1 январдан бошлаб ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитаси директори лавозимига Хитой Халқ Республикаси вакили Чжан Синьфэннинг номзоди маъқулланди ва уни ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгашига кўриб чиқиш учун тақдим этиш тавсия қилинди.

Кенгаш ташкилий ишлар ва кадрларга, ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитаси фаолиятининг молиявий таъминотига доир масалалар юзасидан бир қатор қарорлар қабул қилди.

ШҲТ МАТТ Кенгашининг навбатдаги мажлисини 2012 йил сентябрь ойида Қирғизистон Республикаси ҳудудида ўтказиш тўғрисида келишиб олинди.

Кенгаш мажлиси ишчанлик, амалий мулоқот ва дўстона руҳда ўтди.

(ЎзА)

Ўлкамизда Наврўз шукуҳи
КАТТА ЮТУҚЛАР БИЛАН НИШОНЛАШДИ

Март ойи маълум маънода байрамлар ойидир. Шундай анъаналарнинг энг улуғи ва қадимийси – шодлик ва орзулар байрами Наврўзнинг юртимизнинг ҳар бир гўшасида нишонланиши давом этмоқда.

Шайхонтоҳур туманидаги 157–мактабда ўтказилган Наврўз шодиёнаси ҳам ўзига хос бўлиб, бу йилги байрам мактаб жамоаси, ўқувчилари учун катта ютуқлар билан нишонланаётганини мактаб директори Абдувосит Каримов шундай ифодалади: «Наврўзни ҳар йили нишонлаш эвазига ҳаётга янгича назар солинади, ўтган йил сарҳисоб қилиниб, янги режалар тузилади, энг муҳими эътиқодлар теранлашади, аждодларимизнинг ҳаётий тажрибаларида синалиб, турмушимизга сингиб кетган миллий қадриятларнинг такомиллашуви асосида қалбларимиз яшаради, фикрлар янгиланади.

Мактабимиз март ойида замонавий янги компьютер синфига эга бўлгани, ўқувчиларимизнинг компьютер саводхонлигини янада оширишга ёрдам берса, уларнинг янги педагогик технологиялар ва ахборот технологиялари ёрдамида дарс ўтишларини таъминлайди.

Қадимдан Наврўз катта тайёргарлик билан кутиб олинган. Юртбошимиз Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзларида «Халқимиз азал-азалдан ёшликни умр баҳори, деб таърифлайди, фарзандларига атаб ниҳол экиб боғ яратади», — деб таъкидлаганларидек мактабимиз боғига арча, гул ва мевали дарахт кўчатлари ўтказилди. Ташкил этилган бадиий гимнастика хонасида ўқувчиларимиз спортнинг бу турига ошно бўлмоқдалар. Наврўз — янги кунгина эмас, балки яшариш ва янгиланиш дегани ҳамдир».

Тадбир Олим Хўжаев маҳалла фуқаролари йиғини фаоллари, ота – оналарнинг иштироки ва мактаб ўқувчиларининг спорт турлари ҳамда бадиий чиқишлари билан янада файзли ўтди.

Нигора АКМАЛОВА

Кейинги пайтларда республикамизда сил касаллигини даволаш ва профилактикаси йўлида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, ушбу касалликни дастлабки босқичларда аниқлаб, уни ўз вақтида даволаш чораларини кўриш муҳимдир.

Тадбирлар
САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

Бутунжаҳон силга қарши кураш куни муносабати билан Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида шаҳар силга қарши диспансери ҳамда саломатлик ва тиббий статистика институти томонидан ташкил этилган тадбирда ана шулар ҳақида сўз борди.

Болалар сил касалликлари санаторийсида даволанаётган ёшлар ва шаҳардаги мактаблар ўқувчилари иштирок этган тадбирда шаҳар саломатлик ва тиббий статистика институти директори Эльвира Маракаева, шаҳар бош фтизиатри Хурсаной Исматуллаевалар ўқувчиларга сил касаллигининг олдини олиш ва бу тўғридаги тушунчаларини ошириш, соғлом турмуш тарзини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан бой маълумотларни бердилар, ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

Тадбирнинг жонли тарзда ўтиши учун турли кўрик-танловлар, болаларнинг бадиий чиқишлари ташкил этилди, ўқувчилар мавзу юзасидан асфальтга расм чизиш маҳоратларини намоён қилдилар.

Тадбир сўнгида танлов ғолиблари ташкилотчилар томонидан тақдирланди.

Даврон НУРМАТОВ

СИФАТЛИ МЕБЕЛЬ КЎПАЙМОҚДА

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Файз» холдинг компанияси томонидан мебель ишлаб чиқаришини модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш борасида амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

«Файз» холдинг компанияси раиси М.Азимова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда соҳа ривожи учун яратилаётган солиқ ва божхона имтиёзлари мебель саноатининг барқарор ривожланишига хизмат қилаётганини таъкидлади. Хусусан, компания тизимида кейинги 6 йилда 10 миллиард сўм иқтисод қилиниб, бу маблағ корхонани модернизациялаш ва қайта жиҳозлашга йўналтирилди. Натижада маҳсулотлар ҳажми ва сифати ошмоқда.

Ҳозир корхонада маҳаллий хомашё асосида 20 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. 450 киши доимий иш билан таъминланган. 2007 йилда маҳаллийлаштириш дастури асосида 2,4 миллиард сўмлик шартнома имзоланган бўлса, 2011 йили бу кўрсаткич 11,3 миллиард сўмни ташкил этди.

Жорий йилда маҳаллийлаштириш дастури асосида амалга оширилаётган 28 лойиҳа доирасида қарийб 32 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда. Шунингдек, мебель саноатида муҳим бўлган қипиқли ва толали плиталар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш чоралари кўрилмоқда. Буғдой, шоли ва ғўза поя ларидан фойдаланиб тайёрланадиган бундай мебеллар янада арзон бўлади.

Тадбирда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири

Болалар спорти

СОҒЛОМ АВЛОД — МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

У ўз ёшлик даврида, бир томондан, шароит бўлмагани, иккинчи томондан ўша вақтдаги жамоа хўжалигининг катта, кичик раҳбарларининг ёшлар, ҳаттоки, катталарнинг спорт билан шуғулланишларига имконият яратиш у ёқда турсин, машқ қилишга ҳам тўсқинлик қилганларини шундай хотирлайди: *«Болалигим иккинчи жаҳон уруши даврига тўғри келган. Бу вақтда жамоа хўжалигида, асосан, хотин-қизлар ва катта-кичиклар меҳнат қилишарди. Урушдан кейинги ва эллигинчи йилларнинг бошларида 13-мактаб ўқувчиси бўлганман. Шу даврда на жамоа хўжалиги ва на маҳалламизда бирорта стадион, спорт билан шуғулланадиган зал бўлганини эслай олмайман. Тенгдошларимиз билан эски дўппиларнинг ичига латталар тиқиб, устини ҳам латта билан ўраб, тикиб копток ясаб, футбол ўйнардик. Шундай ҳолатлар ҳам бўлганки, жамоа хўжалиги бригадири келиб коптогимизни қўлига олиб, пичоғи билан кесиб ташлаб «Копток тепишга нима бор, қани ҳамманг бир ариқдан экинларни ўтоқ қиласанлар, юрларинг», – деганда, яқинда ҳарбий хизматдан қайтган акамиз: «Бригадир, қўйинг, болалар копток ўйнайдими, чиллак ўйнайдими, кураш, волейбол билан шуғулланишсин, армияга боришса қийналмайди, доимо кетмон чопиш, ўтоқ қилиш билан шуғулланиш яхши эмас» дея бизларнинг ёнимизни олганда бригадирнинг ҳақоратлаб: «Ўзинг бош бўлиб ўтоқ қиласан, мен режани бажаришим керак», – дея дўқ қилгани ҳамон эсимда.*

Маҳалламизда яшайдиган Олим, Очил, Одилхон, Зухур полвонлар қўшни маҳалла полвонлари билан кураш тушиб туришарди. Шу билан бирга 10-15 яшар ўғил болаларни кураш тушишга ўргатишарди. Бир куни бизларни машқ қилдиришаётганда раис отда келиб, ундан тушмай, полвонларни ҳақоратлаб, «Нега буларни ишдан қолдиряпсанлар», – дея улардан бирининг елкасига қамчи ургани ҳеч эсимдан чиқмайди.

Орадан бирмунча муддат ўтгач, мен армияга чақирилдим. Молдавиядаги ҳарбий қисмда хизмат қила бошлаган вақтимда турникка тортилиш, штанга кўтариш ва бошқа машқларни бажаришда қийналганимда спорт билан шуғулланмаганим армон бўлди.

1957 йилдан жамоа хўжалиги тугатилиб, «Зах арик», «Уч қулоқ», «Хумдонсой» ҳудудларида қурилиш ишлари бошланди. 157-мактаб бунёд этилиб, ишга туширилди. Мактабда спорт тўгаракларининг ташкил этилиши ҳудуддаги ёшларнинг спорт билан шуғулланишларига имконият ярата бошлади. Шу мактабда ўқиб, устозлари футболга меҳр уйғотган ва ҳозирги кунда дунёга машҳур бўлган Миржалол Қосимов ҳам маҳалламизнинг ҳар тарафлама фахр қилгулик ёшларидан.

Юртимиз мустақилликка эришгач, спорт соҳасини ривожлантиришга катта эътибор берилаётгани таҳсинга сазовор. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йили қабул қилинган «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги ва 2004 йили қабул қилинган «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари асосида фуқаролар, айниқса, ёшлар орасида спортнинг оммалашуви ва уни ривожлантиришнинг ўзига хос тизими йўлга қўйилди. Шу ўтган давр мобайнида Олим Хўжаев маҳалла фуқаролари йиғини ҳудудида ҳам турли ёшдаги болалар ва ўсмирлардан олтита футбол командаси тузилди ва жамоалар туман ҳамда шаҳар миқёсидаги мусобақаларда қатнашиб келмоқда. Ёш футболчиларга «Маҳалла» жамоат фонди, тадбиркорлар спорт кийимлари олиб берган бўлса, маҳалламизнинг спорт заҳматкашларидан Шоир Мансуров ўғиллари Отабек, Юсуф билан сунъий қопламали футбол майдонини қуриб, мактаб ўқувчилари, маҳалламиз ёшларининг бу спорт тури билан шуғулланишига қулай шароит яратиб, мураббийлик қилмоқда. Энг қувонарлиси, «Пахтакор», «Бунёдкор» ва бошқа клубларнинг мураббийлари тез-тез бу ерга ташриф буюришиб, машқларни кузатишади, иқтидорли ёшларни ўз командаларига таклиф ҳам қилишмоқда. Булар ака-ука Отабек ва Юсуф каби мураббий ва устозларнинг самарали фаолияти натижаси, Мустақиллигимизнинг яна бир меваси, албатта...

Жаҳонгир ота Пирмуҳамедовнинг фикрлари ҳам унга ҳамоҳанг: *«Иккинчи жаҳон уруши авжига чиққан йиллари биз, «Тахтапул» маҳалласининг кўчада шаталоқ отиб юрган болалари — Анвар, Турғун, Пўлат ва бошқа ўртоқлар уйимиздан икки чақирим наридаги 22-мактабга қатнардик. Қорин қора нонга ҳам тўймайдиган ўша қаҳатчилик, очарчилик йиллари ўқувчиларга ўқув анжомлари, дафтар, китоблар ҳам етишмасди. Муқоваси йиртилиб кетган битта дарсликдан уч-тўрт ўқувчи фойдаланардик.*

Айниқса, биз ўйинқароқ, спорт ва турли ўйинларга чанқоқ болакайларга маҳаллада ҳам, мактабда ҳам спорт билан шуғулланишимизга шароит, умуман, йўқ эди. Маҳалламиздаги ўртоқлар билан икки бўлак яримта ғиштдан кўчанинг ўртасида «дарвоза» ҳосил қилиб, латтадан юмалоқлаб ясалган тўпни тепганимиз-тепган эди. Шунингдек, узоққа сакраш, чиллак ўйинлари биз болаларнинг қизиқарли машғулотимиз бўлган. Мактабда эса спорт майдончаси у ёқда турсин, ҳатто, спорт зали ҳам йўқ эди. Ҳафтада бир ёки икки соат бадантарбия дарси бўларди, холос. Бундан 60-70 йил аввалги ўша давр шароити билан ҳозирги мустақил Ўзбекистонимиздаги шароитга бир назар ташланг. Ер билан осмонча фарқнинг гувоҳи бўласиз!

Мустабид тузум даврида биз – ўзбекларни, жонажон Ўзбекистонимизни дунё мамлакатлари ичида ким танирди? Шу спорт эмасми миллатимизу мамлакатимиз довруғини бутун дунёга танитган!

Давлатимиз томонидан ёшларимизга кўрсатилаётган алоҳида ғамхўрлик туфайли бугунги кунда барча таълим муассасаларида қулай шарт-шароитлар яратилган замонавий спорт заллари мавжуд. Айниқса, ёшларнинг соғлом, дуркун ўсишлари учун йилдан-йилга диққат-эътибор янада кучайтирилмоқда. Ёшларимиз жаҳон миқёсидаги нуфузли спорт мусобақаларида қатнашиб, чемпионлар сафидан ўрин олишмоқда. Улар шарафига Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янграганда менинг ҳам юрагим фахр-ифтихор туйғуларига тўлади. Буларнинг барчаси Юртбошимиз, давлатимизнинг ёшлар саломатлиги, уларнинг баркамол ўсишига қаратилаётган муҳим эътиборининг самарасидир...»

Дарҳақиқат, бундан ўн йил муқаддам Юртбошимиз ташаббуслари билан Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва жойларда унинг бўлимлари тузилиши билан мамлакатимизда болалар ва ўсмирлар спорти тараққиёти янги босқичга кўтарилди. Пойтахтимиз бўйича бу борадаги айрим факт ва рақамларга назар ташласак, шунинг гувоҳи бўламиз.

2003 – 2011 йилларда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағларидан жами 85 иншоот фойдаланишга топширилди. Хусусан, 22 иншоот ТИП-лар асосида, бундан ташқари, 4 та ТИП ҳомийлар ҳисобидан бунёд этилди, 8 та мактабда спорт заллари қурилди, 22 спорт иншооти реконструкция қилинди, 14 та мусиқа ва санъат мактаби қурилди ва капитал реконструкциядан чиқарилди, 18 та сузиш ҳавзаси капитал таъмирланди.

Бу мақсадларга жами 41,8 миллиард сўм маблағ, жумладан, Республика жамғармаси ҳисобидан 22,4 миллиард, жамғарманинг шаҳар ҳудудий филиали ҳисобидан 19,4 миллиард сўм маблағ сарфланди.

2008 – 2012 йилларда сузиш ҳавзаларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш дастури доирасида жами 22 та сув ҳавзаси режага киритилган. Шулардан 2008 – 2011 йилларда жами 18 сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилди. Қолган 4 та сув ҳавзаси 2012 йил манзилли дастурига киритилди.

2009 – 2014 йиллар давомида болалар мусиқа ва санъат мактабини қуриш ва капитал реконструкция қилиш дастури режасидаги 30 объектдан 14 мусиқа ва санъат мактаби фойдаланишга топширилди. 2012 йили қуриш ва реконструкция қилиш учун 6 та объект режага киритилган бўлиб, қолган 10 тасининг 2013 – 2014 йиллар давомида бунёд этилиши кўзда тутилган.

2004 – 2011 йилларда фойдаланишга топширилган жами 71 болалар спорти иншоотидан 2010 йили 38 турдаги 350,3 миллион сўмлик жиҳозлар билан 54 иншоот тўлиқ таъминланган бўлса, 2011 йили 11 та иншоотга 43 турдаги 749,1 миллион сўмлик жиҳозлар ажратилди, қолган 6 та спорт иншоотига 15 турдаги 21,3 миллион сўмлик қўшимча анжомлар ажратилиши режалаштирилган.

Ўтган йиллар давомида ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида қўшимча равишда мактабларга 4 тадан жами 270 миллион сўмлик теннис столлари ҳамда 10 миллион сўмлик шахмат, шашкалар топширилди.

2011 йили маҳаллий ҳокимликлар томонидан 223 миллион сўм ва ҳомий ташкилотлар ҳисобидан 41 миллион сўмлик 22 турдаги спорт анжомлари ажратилди.

Мавжуд болалар спорти объектларида 2010 йили жами 1123 нафар ўқитувчи-мураббий фаолият юритган бўлса, 2011 йили маҳаллий ҳокимликлар томонидан спорт иншоотларига мураббийлар учун қўшимча 107 та штат бирлиги ажратилиши натижасида ўқитувчи-мураббийлар сони 1230 нафарга етди. Шундан 537 нафари хотин-қизларга тўғри келади.

1320 мураббийнинг 852 нафари олий, 378 нафари ўрта махсус маълумотга эга.

2011 йил давомида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ўқувчи-ёшлар ўртасида турли йўналишдаги 304 спорт тадбири ташкиллаштирилиб, уларга жами 159693 нафар ўқувчи қамраб олинди. Шулардан 81 714 нафарини қизлар ташкил этди.

2008 – 2010 йилларда халқаро мусобақаларда 182 нафар ўқувчи (шундан 54 нафари – қизлар) иштирок этиб, 102 та медални қўлга киритган бўлса, биргина 2011 йилнинг ўзида ўтказилган халқаро турнирларда жами 294 нафар ўқувчи-ёшлар (шундан 121 нафари – қизлар) қатнашиб, 97 та медаль соҳиблари бўлишди.

Тошкент шаҳрида 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган жами 308693 нафар ёш болалардан 122040 нафари (2010 йили – 121080 нафар), яъни 39,5 фоизи жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиб келмоқда. Шулардан 52214 нафари, яъни 16,9 фоизи мунтазам равишда спорт билан машғул.

Спорт билан доимий шуғулланувчилар учун 2010 йили спорт секциялари сони 2225 тани ташкил этган бўлса, 2011 йили бу кўрсаткич 2347 тага етди.

Яна бир ўзига хос жиҳатга эътибор қаратадиган бўлсак, 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар ўртасида 2010 йилга нисбатан 2011 йилда бўй ўсишида белгиланган меъёрдан ортда қолиш кўрсаткичи 0,3 фоизга, вазнда ортда қолиш кўрсаткичи 0,5 фоизга камайди.

Айниқса, қизлар ўртасида саломатликни ҳар томонлама мустаҳкамлаш, алп қоматни шакллантиришда муҳим омил бўлган спорт гимнастикаси ва бадиий гимнастикани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қизлар ўртасида спортни ривожлантиришда аёл мураббийлар сонини кўпайтириш борасидаги ишлар ҳам таҳсинга лойиқ. Чунончи, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти қошида ташкил этилган хотин-қизлар спорти факультети битирувчилари сони ўтган йили 39 нафар мураббийдан иборат бўлди.

Бизда нафақат болалар ва ўсмирлар ўртасида спортни ривожлантириш, балки уларнинг ақлий салоҳияти ва маънавий онгини юксалтиришга ҳам алоҳида эътибор билан ёндашилмоқда. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, кўплаб замонавий мусиқа ва санъат мактабларининг қурилиши ва реконструкция қилиниши фикримиз далилидир.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳри филиали томонидан ўтган қисқа вақт ичида мана шундай салмоқли ишлар амалга оширилди. Худди шундай ҳолатни бошқа барча вилоятлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Яқинда яна бир хайрли ташаббуснинг гувоҳи бўлдик. Мамлакатимизнинг барча шаҳар ва туманларида спорт билан шуғулланаётган саккиз ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган ўқувчи-қизларга кенг жамоатчилик — Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИҲ, мураббийлар, ўқувчиларнинг ота-оналари, «Маҳалла» жамоат фонди ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида Президентимиз совғаси — спорт кийимлари топширилди. Ҳеч шубҳасиз, Юртбошимиз совғасини олган ҳар бир ўқувчи-қиз халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини янада муносиб ҳимоя қилишга интилади. Унинг дугоналари, яқинлари дилида эса спортга ҳавас ва қизиқиш уйғонади. Бу эса мустақил юртимизда соғлом ва баркамол ёшларнинг бундан-да кўпайишида ўзига хос омил вазифасини ўтайди, келгусида янгидан-янги чемпионлар етишиб чиқади.

Ўйлаймизки, Президентимизнинг Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида билдирган фикр-мулоҳазалари, кўрсатган йўл-йўриқлари ва баён этган хулосалари келгусида юртимизда болалар спортини янада тараққий эттириш, ёшларимиз саломатлигини мустаҳкамлаш борасида муҳим дастуруламал бўлади.

Дилшод ИСРОИЛОВ



Ушбу суратлар орқали бундан 25-30 йиллар муқаддам ёшларнинг спорт билан қандай шароитларда шуғулланишганини билиб олиш қийин эмас.

Ўқув масканларида

ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИГА ЭГА

Тошкент Ислом университети ҳузурида фаолият кўрсатаётган академик лицей бундан ўн йил муқаддам ташкил этилган эди. Бу ерда толиби илмлар аниқ фанлар ва хорижий филология йўналишларида гуруҳларга бўлинган ҳолда таҳсил олишаётир.

Ахборот-ресурс маркази эса замонавий ахборот технологиялари билан тўла таъминланган. Мазкур марказ электрон каталогидан ўқув қўлланмалари, турли йўналишдаги янги нашрларни топиш мумкин. Шунингдек, унда турли мультимедиа маҳсулотлари ҳам бор. Кўриниб турибдики, лицейда барча фанлар бўйича ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланилмоқда. Маълумот ўрнида шуни ҳам қўшимча қилиш жоизки, бу ерда иккита компьютер синфи фаолият кўрсатмоқда. Улардан биттаси Жанубий Кореядан келтирилган.

Ўқувчиларга 1 ва 2-босқичда информатика курсидан сабоқ берилади. Бу босқичда улар информатика фани тарихи, ривожланиш босқичлари, амалиёт дастурлари, компьютер графикаси дастурлари, веб-дизайнлар яратиш бўйича билимга эга бўладилар. Учинчи босқичдан эса ахборот технологиялари фани бўйича билим олишни бошлашади.

Акбар АЛИЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

3-сон трамвай-троллейбус депоси

трамвай ҳайдовчилари ва чиптачиларни ишга таклиф қилади

1.Трамвай ҳайдовчисининг ўртача ойлиги 404.000 сўм

2.Трамвай чиптачисининг ўртача ойлиги 307.000 сўм.

Трамвай ҳайдовчиси ўқиш курсига 21-35 ёшларда бўлган, Тошкент шаҳрида рўйҳатда турган фуқаролар қабул қилинади.

Ўқиш муддати 6 ой, ўқиш пайтида стипендия тўланади.

Манзил: Тошкент ш., М.Улуғбек тумани, Темур Малик кўчаси, 3-А уй.

Тел. 263-28-97

Тошкент вилояти педагогика коллежи бўлим бошлиғи лавозимига

ТАНЛОВА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда олий маълумотли, малака тоифаси катта ўқитувчидан кам бўлмаган, ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимида камида 5 йил ишлаган ўқитувчилар қатнашиши мумкин.

Қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилиниши шарт:

1.Паспорт.

2.Маълумоти тўғрисида диплом.

3.3х4 фото сурат 6 дона.

4.Меҳнат дафтарчаси.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинг: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Т.Малик кўчаси, 112. Тел.: (8371) 265-98-93, факс: 265-98-91.

«KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига Олмазор туман СИБ томонидан, Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2010 йил 4 мартдаги 2-037-10-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Себзор даҳаси, 59-уй, 16-хонадон манзилида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 57,55 кв.м. бўлган, 2 та яшаш хонаси, даҳлиз, ошхона, ҳожатхона, ҳаммомдан иборат уй-жой арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 52 805 146 сўм.**

Аукцион савдоси 2012 йил 17 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 13 апрель куни соат 18:00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМСХ» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел:228-79-52. Расмий сайтимиз www.1kms.uz Лицензия: RR-0001

ҚУВНОҚЛАР ВА ЗУККОЛАР БАҲСИ

Куни кеча Тошкент Автомобиль ва йўллар институти маданият саройида қувноқлар ва зукколар мусобақаси ўтказилди.

ТАЙИ кубоги ҳамда шаҳар босқичига йўлланма берилиши кўзда тутилган ушбу беллашувда «Автомеханика» факультетининг «Осмондаги болалар», Магистратура бўлимининг «Доцент», «Автомобиль транспорти эксплуатацияси» факультетининг «International», «Йўл қурилиши» факультетининг «Шўх йигитлар», «Транспорт ва транспорт коммуникациялари» факультетининг жамоалари ўзаро беллашдилар.

Мусобақа аввалида сўзга чиққан институт ректори профессор М.Икромов барча жамоаларга омад тилаб, тадбирга йиғилганларни Наврўз байрами билан чин кўнгилдан табриклади. Сўнгра жамоалар аъзолари қизиқарли театрлаштирилган саҳна кўринишларини намойиш этишди. Залдаги талабаларнинг олқишлари, тадбир учун алоҳида тайёрланган баннер ва деворий газеталар иштирокчиларнинг ғайратига ғайрат қўшди. Танлов қатнашчилари барча шартларда ўзларининг актёрлик маҳоратини ишга солиб, йиғилганларнинг юзига табассум улашишди. Уч босқичли мусобақада барча қоидаларга риоя этиб, белгиланган вақтдан унумли фойдаланганлигини ҳисобга олиб, биринчи ўрин «Автомеханика» факультетининг «Осмондаги болалар» жамоасига берилди. Бундан ташқари алоҳида фаоллик кўрсатган талабалар ҳам институт маъмуриятининг эсдалик совғалари билан мукофотландилар. Совғаларни топшириш жараёнида маънавият ишлари бўйича проректор Гулчеҳра Турсунова сўзга чиқиб, биринчи ўринни олган жамоага ТАЙИ кубогини топширди.

Шаҳноза ТЕШАЕВА

Миллий кулолчилигимизнинг ажойиб намуналари.

(ЎзА) олган сурат

Спорт янгиликлари

Жанубий Кореяда футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси турнирининг «Е» гуруҳидан ўрин олган «Похан Стилерз» (Жанубий Корея) ҳамда «Бунёдкор» (Ўзбекистон) жамоалари ўртасида иккинчи тур учрашуви бўлиб ўтди.

«БУНЁДКОР»НИНГ АЖОЙИБ ҒАЛАБАСИ

Айтиш жоизки, ушбу гуруҳда ғолиблик учун қитъамизнинг энг кучли жамоалари кураш олиб боришмоқда. Мухлисларнинг ёдида бўлса, Тошкентдаги «Жар» стадионида Австралиянинг «Аделаида Юнайтед» командаси билан куч синашган Миржалол Қосимов шогирдлари 1:2 ҳисобида мағлубиятга учрашган эди. Шу боис ҳам сафарда «Похан Стилерз» жамоаси билан кечадиган баҳс «Бунёдкор» учун осон бўлмаслиги кундек равшан эди.

Очиғи, Жанубий кореяликлар ҳам, ҳамюртларимиз ҳам мухлисларга ҳужумкор, комбинацион ўйин намойиш этишди. Ҳар икки жамоа майдонга фақат ғалаба қозониш ниятида тушганлигини яшириб ўтирмади. Мезбонлар учрашувда ҳамшаҳарларимиз дарвозаси томон жуда кўп марта хавфли ҳужумлар уюштиришди. Бироқ Миржалол Қосимов шогирдлари ҳимояда бехато ва ишончли ўйнашди, қарши ҳужумда эса мезбонлар дарвозабони ва ҳимоячиларини шошириб қўйишди. Натижа ҳам шунга яраша бўлди. Аввалига биринчи бўлим ўрталарида Лутфулла Тўраев Козак томонидан узатилган тўпни Жанубий кореяликлар дарвозасига қойилмақом тарзда жойлаб қўйди. Иккинчи бўлимнинг 77-дақиқасида Камолиддин Мурзоев яна рақиб дарвозабонини доғда қолдириб «Бунёдкор»нинг 2:0 ҳисобида ғалаба қозонишига муносиб улуш қўшди. Ушбу ғалабадан сўнг «Бунёдкор» турнир жадвалида иккинчи ўринга кўтарилиб олди.

Ушбу гуруҳдаги Австралиянинг «Аделаида Юнайтед» ҳамда Японияннинг «Гамба Осака» жамоалари ўртасидаги беллашув 2:0 ҳисобида австралияликларнинг ғалабаси билан якунланди.

Шунингдек, Осиё чемпионлар лигаси турнирининг «В» гуруҳидан ўрин олган мамлакатимизнинг етакчи жамоаларидан бири «Пахтакор» «Жар» стадионида Бирлашган Араб Амирликларининг «Баниас» командаси билан куч синашди.

Осиё чемпионлар лигаси турнири гуруҳ беллашувининг дастлабки баҳсида Саудия Арабистонининг «Ал-Иттиҳод» жамоасига 2:4 ҳисобида енгилган пахтакорчилардан мухлислар ғалаба кутишгани айни ҳақиқат. Аммо, «Пахтакор» «Баниас»га қарши сермазмун ва чиройли ўйин намойиш эта олмади. Тўғри, учрашувдаги дастлабки голни пахтакорчи Дилшод Шарафутдинов 29-дақиқада меҳмонлар дарвозасига киритган бўлсада, 59-дақиқада ҳимоячилар хатосидан унумли фойдаланган Муҳаммад Февзи Темур Жўраев дарвозасини аниқ нишонга олди 1:1. Томонлар қолган дақиқаларда ушбу ҳисобни ўзгартиришга ҳаракат қилишсада, мухлислар бошқа гол кўришмади. Ушбу нурсиз дурангдан сўнг «Пахтакор» турнир жадвалида учинчи ўринни эгаллаб турибди.

Жорий йилдан Осиё чемпионлар лигаси турнирида қатнашаётган Қаршининг «Насаф» жамоаси Эрондаги «Озодий» стадионида «Истиқлол» командаси меҳмони бўлди. Ҳимояда мустаҳкам ва ишончли ўйнаб, қарши ҳужумда ҳам анча муваффақиятли тўп сурган қаршиликлар мезбонларнинг ғалаба қозонишига имкон беришмади. Қизиқарли ва кескин курашлар остида кечган баҳсда дарвозалар дахлсиз қолди.

Шаҳримиздаги «Пахтакор» спорт мажмуасининг қиличбозлик залида 1993 йилда туғилган ва ундан ёш ўсмирлар ва қизлар ўртасида қиличбозликнинг учта йўналиши бўйича шахсий ва жамоа биринчилиги баҳслари бўлиб ўтди. Турнирнинг энг ёш иштирокчиси жорий йилда 13 баҳорни қаршилаган ҳамшаҳримиз Бобур Шагаев бўлди.

ЁШ ҚИЛИЧБОЗЛАР БЕЛЛАШДИ

Мухлисларнинг қизғин қўллаб-қувватлаши остида спорт усталигига номзод Лейсан Калимуллина, спорт усталари акаука Пётр ва Дмитрий Нагибинлар бой техник маҳоратларини кўрсатишди.

Шахсий биринчиликда ўз йўналишлари бўйича қизлар ўртасида Яна Резниченко (Тошкент), Малика Каримова (Навоий), Муштарий Абдураззоқова (Андижон)-лар ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори поғонасидан жой олдилар. Ўсмирлар баҳсида ҳамшаҳарларимиз юқори натижаларни кўрсатиб, Рустам Исоқов ва Қурбон Қаноатовлар ғолиблар сафини бошқаришди. Учинчи йўналиш бўйича андижонлик Козим Шералиевга тенг келадиганлар топилмади.

Умумжамоа ҳисобида қизлар ўртасида Андижон, Тошкент ва Навоий жамоалари, ўсмирлар беллашувида эса пойтахт командасига биринчи ўрин насиб этди.

Биринчиликнинг барча ғолиб ва совриндорларига дипломлар ва эсдалик совғалари топширилди.

Даврон ИСМАТОВ
Алексей Попов олган сурат

АЙЁМГА БАҒИШЛАНДИ

Янгиланиш, яшариш эзгулик ва нафосат айёми Наврўзи олам шукуҳи кезиб юрган айни кунларда пойтахтимиздаги ихтисослаштирилган сув спортини ривожлантириш Республика марказида сув спорти бўйича очиқ чемпионат ташкил этилди.

Наврўз муносабати билан уюштирилган мазкур биринчиликда пойтахтимизда истиқомат қилувчи сув спорти билан мунтазам шуғулланаётган 7-14 ёшли 150 нафар болалар ва ўсмирлар ғолиблик учун ўзаро баҳс олиб боришди.

Турнирда 50 метрга эркин сузиш баҳсларида М. Саидова шоҳсупанинг энг юқори поғонасини забт этган бўлса, М. Муҳаммаджонова, С. Гофурбеков, А. Полкиналар фахрли иккинчи, учинчи, тўртинчи ўринларни эгаллашди.

Шунингдек, 100 метрлик масофага эркин сузишда Р. Азизов, Л. Исоқоваларнинг финиш чизиғини биринчи бўлиб босиб ўтганликлари таҳсинга лойиқ. Ш.Усмонов ва А.Зокировлар иккинчи ўрин эгасига айланишган бўлса, У.Равкаталиев ҳамда М. Каримовалар фахрли учинчи ўрин билан кифояланишди.

Чемпионат якунида ғолиб ва совриндорларга совринлар, эсдалик совғалари туҳфа этилди.

Мамлакат XXI миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасида иккинчи тур баҳслари уюштирилди.

«ПАХТАКОР» ОЧКО ЙЎҚОТДИ

Қизиғи шундаки, жорий йилда ҳам фақат чемпионликни қўлга киритишга аҳд қилган «Пахтакор» жамоаси ўз майдонида «Олмалиқ» командаси футболчилари билан куч синашиб, тенгма-тенг курашлар остида кечган учрашувда муроса йўлини танлашга мажбур бўлди. 90 дақиқа давом этган баҳсда дарвозалар дахлсиз қолди. Ушбу дуранг натижасида «Пахтакор» муҳим очколардан маҳрум бўлди.

Қолган учрашувлар қуйидагича якунланди: «Андижон» — «Бухоро» — 1:2, «Машъал» — «Металлург» — 2:1, «Локомотив» — «Насаф» — 0:1, «Шўртан» — «Навбаҳор» — 4:0.

Мамлакат XXI миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоаларининг 2-тур беллашувлари «Нефтчи» — «Динамо», «Қизилқум» — «Бунёдкор» баҳсларидан сўнг якунига етади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ШАРҚ ҲИКОЯТ ВА РИВОЯТЛАРИ

Меҳрда сеҳр бор.

* * *

Одамзоднинг табиати шу ўзи: борни назарига илмай, йўқни излаб юради.

* * *

Майда туйғулардан юқори кўтарилолмай буюк бўлолмайсан.

* * *

Донолигини пеш қилишнинг ўзи нодонлик.

* * *

Муҳаббат – тириклик биносининг устуни.

* * *

Андиша баъзида муҳаббатнинг қотилига айланади.

* * *

Ким ютиб-ким ютқизгани маррага етганда маълум бўлади.

* * *

Хасиснинг эшигини ўзидан бошқа киши очиб-ёпмайди.

* * *

Муттаҳам бир йўлини топади, сен соддадилни қўлла.

* * *

Кўз тўймагунча кўнгил қолмайди.

* * *

Ҳар кимнинг ўз диди бор,
Ҳар гулнинг ўз ҳиди бор.

* * *

Эҳтиёж бўлмаса, қизиқиш ҳам йўқ.

* * *

Бировнинг бахтидан қувонадиган кам, аммо бахтсизлигидан хурсанд бўладиган кўп.

* * *

Ишлашнинг ўзи яшашдир.

* * *

Яхши яхшилигидан, ёмон ёмонлигидан завқ туяди.

* * *

Кўнгил – қувват манбаи, ақл – қудрат.

* * *

Фақат ишингнинг юришгани эмас, баъзида ҳатто юришмагани ҳам бахт бўлиб чиқади.

* * *

Ўзингни йўқотмасанг, ҳеч нимани йўқотмайсан.

* * *

Орзу-ҳавас мисли қафас.

* * *

Ҳаётда ўз ўрнингни топишга етмаган ақл ноқис ақлдир.

* * *

Булоқнинг бир кўзини ёпсанг, бошқаси очилади.

* * *

Нодоннинг муҳаббатидан дононинг нафрати афзал.

* * *

Бош урилмай кўз очилмайди.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманидаги 85-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1998 йилда Хусанов Дониёр Халилуллаевич номига берилган O'R-DN 458389 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«01»

ХАВФСИЗЛИГИМИЗ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Халқимизда «Ўз уйингни ўзинг сақла!» деган нақл бор. Киши ўзи ва яқинларининг тинчлиги ҳамда осойишталигини ўйласа, доим юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарнинг олдини олиш учун ўта зийрак бўлиши лозим. Фавқулодда юз берган ёнғин ҳолатлари ҳам шулар жумласига киради.

Аммо айрим кишиларнинг ёнғин хавфсизлиги чораларига амал қилмаслиги оқибатида нохуш ҳолатлар рўй бермоқда. Эҳтиётсизликлар, қўнгилсизликлар, талафотлар, ҳаттоки кишиларнинг жиддий жароҳатланишига сабаб бўлмоқда. Айниқса, куз ҳамда қиш мавсумида ёнғинни келтириб чиқарувчи омиллар кўпроқ учрайди. Бунга носоз ёки қўлбола иситиш ускуналаридан, очиқ оловдан фойдаланишдаги бефарқликларни мисол қилиб келтириш мумкин. Шунингдек, фаолиятимиз давомида кишиларнинг маст ҳолатда тамаки чекиб ухлаб қолиши натижасида ёнғин юзага келганининг кўп марта гувоҳи бўлганмиз. Ўчирилмаган сигарета қолдиғи, нафақат уйларда, балки хазонрезги кунларда кўчакўйда ҳам хавфли вазиятларни келтириб чиқариши мумкин.

«Тилсиз ёв»нинг ўлжасига айланиб қолмаслик учун ёнғин хавфсизлиги чораларига риоя этишимиз, бу йўлда ён-атрофимиздагиларни ҳам ҳушёрликка чорлашимиз зарур. Айниқса, мактаб ўқувчилари, болаларимизга ёнғин хавфсизлиги бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш жуда муҳимдир. Ана шунда турмушимизнинг фаровонлиги, хотиржамлиги кафолатланади.

М.РИСБЕКОВ,
12-ХЁХО 24-ХЁХҚ кичик инспектори, кичик сержант

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида ***29 март*** *куни ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиш эҳтимоли бор. Ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 10-12 даража, кундузи — 14-16 даража илиқ бўлади.*

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, ***29 мартда*** *Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади, тагмиқдори паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz
Буюртма Г- 341
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 11752 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Босишга топширилди: 17.10
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
12345